

**СУРУНКАЛИ БҮЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ТАЛОҚНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК
КЎРСАТГИЧЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ БИР ХИЛ ЁШ ДАВРДА ЎЗАРО ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**



Собиров Шерзод Шодуллоевич, Хасанова Дилноза Ахровна, Худойбердиев Дилшод Каримович
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИЗМЕНЕНИЙ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ
ПОКАЗАТЕЛЕЙ СЕЛЕЗЕНКИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ПОЧЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ**

Собиров Шерзод Шодуллоевич, Хасанова Дилноза Ахровна, Худойбердиев Дилшод Каримович
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

**COMPARATIVE ANALYSIS OF CHANGES IN MORPHOLOGICAL AND MORPHOMETRIC
PARAMETERS OF THE SPLEEN IN CHRONIC RENAL FAILURE AT THE SAME AGE**

Sobirov Sherzod Shodulloevich, Khasanova Dilnoza Akhrovna, Khudoiberdiev Dilshod Karimovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: mrsherzodshodulloyevich@gmail.com

Резюме. Бугунги кунга келиб, сурункали буйрак етишмовчилиги нафақат тиббий, балки ижтимоий ҳамда иқтиносий эсихатлари билан аҳоли орасида долзарб бўлиб ҳисобланади. Сурункали буйрак етишмовчилигидаги талоқнинг морфологик ва морфометрик кўрсатгичларидағи ўзгаришиларни бир хил ёш даврда ўзаро қиёсий таҳлилини ўрганиш ҳанузгача муаммолигича қолмоқда. Морфометрик кўрсаткичлар таҳлилида буйрак етишмовчилигидаги гуруҳда талоқ органометрик ўлчамларнинг катталашиши, яъни талоқ массасининг 5 %, талоқ ҳажмининг 1,7 % ошганлиги аниқланди.

Калим сўзлар: сурункали буйрак касалликлари, буйрак етишмовчилиги, нефрон, қизил пулта, қизил қон танаачалари, оқ қон ҳужсайралари.

Abstract. Today, chronic renal failure is considered relevant among the population not only in medical, but also in socio-economic aspects. The study of a comparative analysis of changes in the morphological and morphometric parameters of the spleen in chronic renal failure at the same age remains problematic. When analyzing morphometric parameters, it was found that in the group with renal failure, the organometric dimensions of the spleen increased by 5%, and the volume of the spleen by 1.7%.

Key words: chronic kidney disease, renal failure, nephron, red pulp, erythrocytes, leukocytes.

Сўнгги йилларда буйрак касаллигини ортиб бориши кузатилмоқда. Бугунги кунда сурункали буйрак етишмовчилигини (СБЕ) келтириб чиқарадиган асосий нозологиялар қандли диабет, артериал гипертензия, сурункали гломерулонефрит, шунингдек, ушбу касалликларнинг комбинатсиясини ўз ичига олади [3,12,16].

Маълумки, сурункали буйрак касалликлари ва буйрак етишмовчилиги билан касалланиш турли минтақаларда турлича бўлиб, соғликни саклаш соҳасидаги жиҳдий ва долзарб муаммолигича қолмоқда. Статистик маълумотларга қараганда 2017 йилда бутун дунё бўйлаб 1,2 миллион киши сурункали буйрак етишмовчилиги касаллигидан вафот этди. 1990 йилдан 2017 йилгacha барча ёшдагилар орасида СБЕ дан глобал ўлим даражаси 41,5% га ошди, гарчи ёшга қараб стандартлаштирилган ўлим даражасида сезиларли ўзгариш бўлмаган. Барча ёшдагилар орасида СБЕ нинг глобал тарқалиши ушбу даврда 29,3% га ошган [5,10].


Шуни таъкидлаш жоизки, сурункали буйрак етишмовчилигининг клиник кўриниши 70-75% функционал фаол нефронларнинг ёқолиши билан ривожланади, чунки ҳайвонларнинг ҳолати ёмонлашади, уларнинг сони янада камаяди. Ушбу патологиянинг сабаблари жуда хилма-хилдир: булар түгма аномалиялар (поликистоз касаллиги, гидронефроз, буйрак гипоплазияси) ва орттирилган, ўз вактида ташхис қўйилмаган яллиғланиш касалликлари (пиелонефрит, гломерулонефрит), дори воситаларидан келиб чиқкан нефропатиялар (аминогликозидлар, ситостатиклардан фойдаланиш) ёки инфектсиянинг оқибатлари, метаболик касалликлар (қандли диабет), аутоиммун касалликлар ва бошқалар [1,7,17,19].

Буйракларнинг компенсатсион қобилияти юкори бўлишига қарамай (хатто қолган 10% нефронлар организмдаги сув-электролитлар мувозанатини сақлаб туришга қодир), сурункали буйрак етишмовчилигининг дастлабки босқичларида, қон таркибидаги электролитларнинг миқдорий

бузилишлари, атсидоз, организмдаги оксил алмашинувининг бузилиши ва метаболик маҳсулотлар: мочевина, креатинин, сидик кислотасининг организмда сакланиши, улар миқдорининг ортиши билан намоён бўлади. Бугунги кунга қадар буйрак етишмовчилиги пайтида организмдаги метаболизми бузилган 200 дан ортиқ моддалар аниқланган [8,9,14].

Буйраклар фаолиятидаги патологик ўзгаришлар организм ички муҳитининг доимийлигининг (гомеостаз) бузилишига олиб келади. Гломеруляр филтратсия тезлигининг пасайиши ва уремиянинг кучайиши билан метаболизм пасаяди, кўплаб биологик фаол моддаларни, шу жумладан гипофиз гормонларини нишон ҳужайраларга транспорти ва боғланиш жараёнлари ўзгаради. Шундай қилиб, СБЕ пролактин, лутеинлаштирувчи гормон (ЛГ) ва фолликулани стимулловчи гормон (ФСГ) даражасининг ошишига олиб келади. Беморларнинг ушбу гурухидаги соматотроп гормон (СГ), инсулинга ўхшаш ўсиш омили-1 (ИГФ-1), қалқонсимон безни стимулловчи гормон (ТТГ), адренокортиктроп гормон (АКТГ) ва вазопрессин контцентратсияси нормал кийматларда қолиши ёки ошиши мумкин. Гемодиализ амалиётини ўтказиш пролактин, ЛГ, ФСГ даражасини пасайтирамайди, шу билан бирга ўсиш гормони, ИГФ-1, ТТГ контцентратсияси нормаллашади. АКТГ ва вазопрессиннинг таркиби ўзгаришсиз қолиши ёки камайиши мумкин [4,6,12].

Д.Б. Авезованинг фикрича, сурункали буйрак етишмовчилигига ўткир ўпка шикастланишининг уч боскичи морфологик жиҳатдан ажратилади. Улардан биринчиси эрта экссудатив боскич (беш кунгача). Капиллярларнинг тўлақонли бўлиши, ўпка алвеолаларининг коллапси, микротромблар, алвеолаларнинг шикастланиши, нейтрофиллар инфильтратсияси, ўпка шиши, алвеолаларда гиалин мембрана ва фибрин мавжудлиги билан тавсифланади. Иккинчи боскич - фибрино-пролифератив (олти кундан ўн кунгача). Ўпка шиши аста-секин ё'колади ва фибробласт пролифератсияси бошланади. Ўткир ўпка шикастланиши бошлангидан кейин ўнинчи кундан бошлаб ривожланадиган учинчи боскич толали



Расм 1. Талоқ тўқимасининг морфологик тузилиши. Бўёқ Г-Э. Об 4x10 ок. 1. Талоқ капсуласи, 2. Оқ пулпа соҳаси 3. Мантай ва маргинал соҳа. 4. Талоқ трабекулалари коллаген ва эластик толалари

деструктсия ўчокларида бириқтирувчи тўқима (хужайралар ва толалар) пайдо бўлиши билан тавсифланади. Барча боскичларда асосий декомпенсатсия қилувчи ҳодиса - бу ўпка шишининг ривожланиши ва ривожланишига ёрдам берадиган аерогематик тўсиғи таркибий кисмларининг ўтказувчалигини ошиши. Ўткир эмфиземанинг пайдо бўлиши компенсатсион механизмидир. Бронхиолалар секретсия, дескваматсия ва эпителия хужайралари томонидан блокланганда ва сирт фаол моддалар синтези ва секретсияси учун масъул бўлган II-типдаги алвеолотситлар заарланганда ателектазия ва дистелектазия юзага келади, бу ўпкада структуравий ўзгаришларнинг янада ривожланишига ва гипоксиянинг кучайишига ёрдам беради [2,11,13,15,18].


Бугунги кунга келиб, мутахассисларининг асосий мақсади СБЕнинг патогенетик бўғинларини турилди. Бу турли хил йўллар билан коррексия қилиш, касалликни авж олишини секинлаштириш, bemor ҳаёт сифатини яхшилаш ва умрини ҳамда диализгача бўлган даврни узайтиришга эришиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Сурункали буйрак етишмовчилигига талоқнинг морфологик ва морфометрик кўрсатгичларидаги ўзгаришларни бир хил ёш даврда ўзаро қиёсий таҳлилини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари. Олинган микропрепаратларни текшириш учун гематоксилин-эозин, Ван-Гизон ва имиуногистокимёвий усуллардан фойдаланилди.


Тадқиқот натижалари. Сурункали буйрак етишмовчилигига лимфотситларининг поликлонал фаоллаштирувчиларга жавоби камаяди. In-vitro да лимфотситларининг бластогенезини ингибитор қилиш ҳодисаси буйрак касалликларида плазма қўшилиши билан аниқланади, бу ҳам фаол айланувчи иммуносупрессив омил мавжудлигини кўрсатади.

6 ойлик оқ зотсиз каламушлар талогини ташки томондан сероз парда яни нозик фиброз капсула ўраб туради-талоқ капсуласи деб аталади ва қалинлашган, мустаҳкамлиги ортган.




Расм 2. Талоқ тўқимасининг морфологик тузилиши. Бўёқ Ван-Гизон. Об 4x10 ок. 1. Қизил пулпа соҳаси.

2. Талоқ тасмалари ингичка 3. Талоқ марказий артерияси. 4. Периартериоляр лимфа қавати (ПАЛС) соҳаси. 5. Талоқ трабекулалари коллаген ва эластик толалари



Расм 3. Талоқ тўқимасининг морфометрияси. Бўёқ Ван-Гизон. Об 4x10 ок. 1.Кизил пулпа соҳаси. 2.Талоқ тасмалари (Чордае лиеналис). 3.Талоқ трабекуласи. 4. Кон-томир девори ва периваскуляр соҳа



Расм 4. Талоқ тўқимасининг морфометрияси. Бўёқ Ван-Гизон. Об 4x10 ок. 1.Кизил пулпа соҳаси бўшлиги торайган, эритроситлар гемолизи Паренхима атрофияси. 2.Талоқ тасмалари кичрайган (Чордае лиеналис) бласт хужайралар сони кўпайган. 3.Талоқ трабекуласи қалинлашган. 4. Кон-томир девори ва периваскуляр соҳанинг склерози

Капсуладан талоқ ичига тўсиқлар-трабекулалар ўсиб киради. 6 ойлик оқ зотсиз каламушлар талогининг чўзинчоқ шаклда, қонга тўлиб туриши туфайли тўқизил рангли бўлади. Уни ташқи томондан сероз парда ва фиброз капсула ўраб туради. Капсуладан талоқ ичига тўсиқлар-трабекулалар ўсиб киради.

Трабекулалар ва қон томирлар девори қалинлашган (Ван-Гизон билан бўялганда бироз пушти рангли соҳани кўришимиз мумкин). Трабекулалар талокни унча яхши ифодаланмаган бўлакчаларга бўлади. Трабекулалар мустаҳкам, қалин кўринишида бўлади. Трабекулалар талокни унча яхши ифодаланмаган бўлакчаларга бўлади. Қон -томир девори мустаҳкам қалинлашган Ван-Гизонда бўяб кўрилганда трабекулалар ва қон томир дроерлари оч пушти рангда бўялади. Трабекулалар орасида оқ ва қизил пулпа бўлади. Оқ пулпа ҳажми кичик, қизил пулпанинг ҳажми эса оқ пулпага нисбатан 2-3 баробар катта бўлади. ПАЛС соҳаси 6 ойлик оқ зотсиз каламушларда ўртacha ҳажмli бўлади. ПАЛС соҳасида асосан Т лимфоситлар жойлашади кўп миқдорда ва унга экскентрик ҳолатда Б-лимфоситлар ҳам тўпланиб, талоқнинг оқ пулпасини ҳосил килади.

Оқ пулпа лимфоид фолликланинг марказий қисми унинг кўпайиш маркази ёки реактив маркази, мантай-ёпкич ва маргинал-кирғоқ соҳалари тавофт этилади. Марказий қисм кенг ҳажмli ва мантай соҳада В лимфоситлар, В лимфобластлар, макрофаглар ва плазмоситлардан иборат бўлиб, бу соҳани В соҳа дейилади. Маргинал соҳа ҳажми катталашган Т ва В лимфосит ва кўп миқдорда макрофаглар бўлади – қонга тушган антигенларни тутиш ва емириш вазифасини бажаради ва лимфоситлар ва лимфобластлар жойлашади. Бу соҳа муҳим иммун соҳа хисобланади.

Трабекулалар орасида оқ ва қизил пулпа бўлади. Оқ пулпа ҳажми кичик, қизил пулпанинг ҳажми эса оқ пулпага нисбатан 2-3 баробар катта бўлади.

Тараққиёти артерия атрофида дастлаб Т-лимфоситлар тўпланиши давом этади.(Т-ПАЛС соҳаси-ҳажми катталашган). Унинг атрофида Б-лимфоситлар ҳам тўпланишида давом этиб, талоқнинг оқ пулпаси катталашган. Улар орасида ретикуляр тўқима йирик синусоид кон томирлар кенгайиб қизил пулпани ҳам катталаштирган. Маргинал соҳа ҳам ўртacha ҳажмli Т ва В лимфоситлар ва кўп миқдорда макрофаглар бўлади – қонга тушган антигенларни тутиш ва емириш вазифасини бажаради ва лимфоситлар ва лимфобластлар жойлашади. Бу соҳа

муҳим иммун соҳа хисобланади. Қизил пулпа ретикуляр стромаси кенгайган, синусоид-қон томирлар катталашган ва шу синусоидлар орасида жойлашган талоқ тасмалари кенг ҳажмli.

Талоқ тасмалари В-лимфоситлар ва улардан ҳосил бўлган плазмоситлар кўпайган. Қизил пулпанинг ретикуляр стромасида макрофаглар (моноситлардан ҳосил бўлган) фагоситозда иштирок этувчи ҳажайралардир яни “спленосит”дир. Талоқнинг оқ пулпа лимфатик фолликула (Малпиги таначаси) лардан иборат. Лимфоид фолликланинг марказий қисми унинг кўпайиш маркази ёки реактив маркази, мантай-ёпкич ва маргинал-кирғоқ соҳалари тавофт этилади. Марказий қисм кенг ҳажмli ва мантай соҳада В лимфоситлар, В лимфобластлар, макрофаглар ва плазмоситлардан иборат бўлиб, бу соҳани В соҳа дейилади. Маргинал соҳа ҳажми катталашган Т ва В лимфосит ва кўп миқдорда макрофаглар бўлади – қонга тушган антигенларни тутиш ва емириш вазифасини бажаради ва лимфоситлар ва лимфобластлар жойлашади. Бу соҳа муҳим иммун соҳа хисобланади.


Оқ пулпага нисбатан экссентрик жойлашган марказий артерия кон томирининг атрофи -periarterial соҳа: Т-лимфоситлар, макрофаглар ва интердигитирловчи хужайралар кўпайган. Қизил пулпа ретикуляр стромаси, синусоид-қон томирлар ва шу синусоидлар орасида жойлашган талоқ тасмалари кенгайган. Талоқ тасмалари Б-лимфоситлар ва улардан ҳосил бўлган плазмоситлардир. Қизил пулпанинг ретикуляр стромасида макрофаглар (моноситлардан ҳосил бўлган) фагоситозда иштирок этувчи ҳажайралардир яни “спленосит” кўпайган.

СБЕ билан касалланган 6 ойлик оқ зотсиз каламуш талогининг морфологик ва морфометрик параметрлари. Оқ зотсиз каламушлар экспериментал сурункали буйрак етишмовчилиги чакирилганда талоғида гипоксик жараёнлар кучайиб, токсинлар кўпайиши хисобидан: Талоқ капсуласи ва трабекулалари нотартиб қалинлашганини, қон-томирлар тўлақон, қон-томир деворининг ўтказувчанлиги ортиб фибринойдли бўкиш, гиалинозга ва склерозга ҳос ўзгаришлар аникланилади. Периваскуляр соҳада кучли ифодаланган шиш ва

склеротик ўзгаришлар аниқланилади. (Ван-Гизон бўёғида пушти рангда бўйлди). ПАЛС соҳаси кичрайган (ўлчамларда), бу соҳада етук Т лимфоситлар камайиб, ўрнини ёш бласт хужайралар (Т-лимфобласт) кўпайган.

Оқ пулпа соҳаси ҳажмли кичрайган: лимфоид фолликула марказий қисми ёки кўпайиш маркази – реактив марказ-кенгайган, ёш лимфобласт хужайраларнинг пролифератсияси, Т- ва В- зонаси лимфоситларининг бласттрансформатсияси аниқланилади. Мантай соҳаси ва маргинал соҳаси ингичкалашган. Етук Т ва Б лимфоситлар сони камайган ва шунга чамбарчас ҳолатда эса макрофаглар ҳам камайган. Бу жараён оқибатида талоқда иммун тизими сусайганидан дарак беради.

Қизил пулпа соҳаси: талоқ синусоидлари бўшлиғи торайган, эритроситлар гемолиз жараёни бошланиб ва бу жараённинг кучайганни кўришимиз мумкин. Талоқ тасмалари кичрайишда давом этиб, бласт хужайралар сони кўпайган. Перисинусоид соҳада гемолиз кучайган, қизил пулпанинг кичрайгани- атрофиясини кўришимиз мумкин. Сурункали буйрак етишмовчилигида 6 ойлик оқ затсиз каламушлар талоғида гипоксик жараёнлар кучайган, токсинлар кўпайши, сув-электролит ва оқсилиларнинг мувозанатининг бузилиши ҳисобидан: Талоқ капсуласи ва трабекулалари нотартиб қалинлашишда давом этади. Кон-томирлар тўлақон, деворининг гиалинога ва склерозга хос ўзгаришлар бироз кучайган. ПАЛС соҳасида кичрайган, бласт хужайралар (Т-лимфобласт) кўпайган. Етук Т-лимфоситлар кам микдорда.



Расм 5. Талоқ тўқимасининг морфологик тузилиши. Бўёқ Г-Э. Об 4x10 ок. 1.Оқ пулпа соҳаси ҳажмли кичрайган: лимфоид фолликулаларнинг Т- ва В- зонаси лимфоситларининг бласттрансформатсияси.2. Мантай ва маргинал соҳаси кичрайган. 3. Қизил пулпа кичрауган – атрофияси. 4. ПАЛМ соҳасида бласт хужайралар кўпайган. 5. Кон-томир девори ва периваскуляр соҳанинг склерози

Қизил пулпа соҳаси: талоқ синусоидлари бўшлиғи торайган, эритроситлар гемолизи кучайган. Талоқ тасмалари кичрайган бласт хужайралари ва плазматик хужайралар сони кўпайган. Перисинусоид соҳада гемолиз кучайган, қизил пулпанинг кичрайгани- атрофиясини кўришимиз мумкин. Оқ пулпа соҳаси ҳажмли кичрайган: лимфоид фолликулаларнинг Т- ва В- зонаси лимфоситларининг бласттрансформатсияси аниқланилади. Лимфоид фолликула марказий қисми ёки кўпайиш маркази –

реактив марказ-кенгайган, ёш лимфосит хужайраларнинг пролифератсияси. Иммун тизими ўз изнидан чиқиб кетиш арафасида эканлигидан дарак беради.

Олинган микропрепаратлар таҳлил қилинганда талоқ тўқимасини ташки томондан ўраб турувчи капсуласининг иотекис қалинлашганлиги аниқланади, бу ўзгаришлар талоқнинг деярли барча микропрепаратларида кузатилди. Талоқ оқ пулпасида лимфотситлар микдорининг камайиши каби хос ўзгаришлар, талоқ қон томирларида қон микдорининг ко‘пайиши, яъни димланиш белгилари кузатилди.

Сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган гурухдаги 6 ойлик оқ затсиз каламушлар талоғидаги тўқималарнинг лимфоид тўқимасининг гистоморфометрик ўлчамлари таҳлил қилинганда лимфоид түгунларнинг ўртача диаметри 420.8 ± 18 мкм ни, кўпайиш марказининг ўртача диаметри 168.6 ± 7.4 мкм ни, периартериал соҳа 90.4 ± 2.6 мкм ни, мантай соҳаси ўртача диаметри 79.6 ± 3.7 мкм ни ва маргинал соҳа ўртача диаметри 87.5 ± 2.42 мкм ни ташкил қилди.

Хулоса. Оқ затсиз каламушларнинг 6 ойлик даврида талоқ тўқимаси мақроскопик жиҳатдан кўрилганда талоқ рангининг тўклишиши, талоқ кирраларининг юмалоқланиши кузатилди. Микроскопик жиҳатдан талоқ капсуласининг қалинлашуви кузатилди, талоқ оқ пулпасида лимфотситлар микдорининг камайиши хос ўзгаришлар, талоқ қон томирларда қон микдорининг кўпайиши яъни димланиш белгилари кузатилди. Томирлар ичida майдо қон шаклли элементларининг бир-бiri билан ва қон томир деворига ёпишиш белгилари аниқланди. Морфометрик кўрсаткичлар таҳлилида ўткир буйрак етишмовчилигидаги гурухда талоқ органометрик ўлчамларнинг катталashiши яъни талоқ массасининг 5 % ошиши, талоқ ҳажмининг 1,7 % ошганлиги аниқланди. Гистоморфометрик таҳлилда лимфа түгун диаметрининг 0,9 % га, ҳамда мантай ва кўпайиш соҳасини камайиши, периартериал соҳани 1,5 % га ва маргинал соҳани 1,4 % ошиши кузатилди.

Адабиётлар:

- Abduraximov A. X., Ergasheva Z. A., Kasimova I. K. Korreksiya elektrolitnogo disbalansa pri xronicheskoy pochechnoy nedostatochnosti Rezyume // Akademik DS Seksenbaevti. 2019. – Т. 80. – С. 76.
- Avezova D. B. Morfologicheskie izmeneniya legkix 9-mesyachnih belix kris posle xronicheskoy pochechnoy nedostatochnosti // Tadqiqotlar. UZ. – 2024. – Т. 38. – №. 1. – С. 210-218.
- Aringazina A. M. i dr. Xronicheskaya bolezni pochek: rasprostranennost i faktori riska (obzor literaturi) // Analiz riska zdorovyu. – 2020. – №. 2. – С. 164-174.
- Batyushin M. M. Xronicheskaya bolezni pochek: sovremennoe sostoyanie problemi // Ratsionalnaya farmakoterapiya v kardiologii. – 2020. – Т. 16. – №. 6. – С. 938-947.
- Дадашев А. Ш. и др. Морфометрические особенности разного типа структурных компонентов внутриорганных венозного русла селезенки //Человек и его здоровье. – 2024. – Т. 27. – №. 1. – С. 30-38.
- Daminova M. A. Xronicheskaya bolezni pochek u detey: etiologiya, klassifikatsiya i faktori progressirovaniya

- // Vestnik sovremennoy klinicheskoy meditsini. – 2016. – Т. 9. – №. 2. – С. 36-41.
7. Drozdova L. I., Saunin S. V. Patomorfologiya pochek pri terminalnoy stadii xronicheskoy pochechnoy nedostatochnosti u koshek // Agrarniy vestnik Urala. – 2019. – №. 3 (182). – С. 32-36.
 8. Yesayan A.M. Xronicheskaya bolezn pochek: faktori riska, rannee viyavlenie, prinsipi antigipertenzivnoy terapii. Meditsinskiy sovet.2017;12:18-25.
 9. Jiznevskaya I. I. i dr. Dinamika immunologicheskix pokazateley pri ostrix i xronicheskix glomerulonefritax u detey // Fundamentalnie issledovaniya. – 2014. – №. 4-2. – С. 269-273.
 10. Jmurov D. V. i dr. Xronicheskaya bolezn pochek // Colloquium-journal. – Golopristanskiy miskrayonniy sentr zaynyatosti, 2020. – №. 12 (64). – С. 28-34.
 11. Zakirova N. R. Metodi opredeleniya jiznenno vajnix i morfometricheskix parametrov selezenki // Journal of new century innovations. – 2024. – Т. 46. – №. 2. – С. 27-33.
 12. Markova T. N., Kosova Ye. V., Miščenko N. K. Narusheniya funksii gipofiza u patsientov s terminalnoy stadiей xronicheskoy pochechnoy nedostatochnosti //Problems of Endocrinology. – 2024. – Т. 69. – №. 6. – С. 37.
 13. Mirzaeva B. M., Xalmetova F. I. Osobennosti osteorenalnogo sindroma u bolnix s xronicheskoy bolezni pochek // American journal of applied medical science. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 37-45.
 14. Murkamilov I. T. [i dr.] sitokini i arterialnaya jidkost na ranney stadii xronicheskoy bolezni pochek: vzaimosvyaz i prognosticheskaya rol // Nefrologiya. 2018. No 4. S. 25-32.
 15. Petrenko V. M. Sravnitel'naya anatomiya pochek i selezenki u grizunov // Mejdunarodniy журнал prikladnih fundamentalnih issledovaniy. – 2016. – №. 6-4. – С. 710-713.
 16. Rumyanseva Ye. I. Xronicheskaya bolezn pochek kak globalnaya problema dlya obyshchestvennogo zdorovya: dinamika zabolevaemosti i smertnosti // Problemi standartizatsii v zdravooxranenii. 2021. №1-2. S. 41-49
 17. Sigitova O. N., Arxivov Ye. V. Xronicheskaya bolezn pochek: novoe v klassifikatsii, diagnostike, nefroproteksii // Vestnik sovremennoy klinicheskoy meditsini. – 2014. – Т. 7. – №. Prilожение 1.
 18. Smirnov A. V. i dr. Klinicheskie rekomendatsii. Xronicheskaya bolezn pochek (ХВР) // Nefrologiya. – 2021. – Т. 25. – №. 5. – С. 10-82.
 19. Xasanov B. B., Sultonova D. B. Rol selazhenki v immunologicheskix narusheniyakh organizma pri xronicheskix zabolеваниях pescheni // Dostizheniya nauki i obrazovaniya. – 2022. – №. 5 (85). – С. 91-97.

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИЗМЕНЕНИЙ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ СЕЛЕЗЕНКИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ПОЧЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ

Собиров Ш.Ш., Хасанова Д.А., Худойбердиев Д.К.

Резюме. На сегодняшний день хроническая почечная недостаточность считается актуальной среди населения не только в медицинском, но и в социально-экономическом аспектах. Изучение сравнительного анализа изменений морфологических и морфометрических показателей селезенки при хронической почечной недостаточности в одном и том же возрасте остается проблематичным. При анализе морфометрических показателей установлено, что в группе с почечной недостаточностью органометрические размеры селезенки увеличились на 5%, объем селезенки на 1,7%.

Ключевые слова: хронические заболевания почек, почечная недостаточность, нефронт, красная пульпа, эритроциты, лейкоциты.